

ДҮРИЯТ

3 - 10 май
2000 йил

18 (171) - сон

МУСТАҚИЛ ГАЗЕТА

Чоршанба кунлари чиқади

1996 йил декабрдан чоп этила бошлаган

Мамлакатимизда 59300 нафар Иккинчи жаҳон уруши иштирокчиси, 250000дан ортиқ фронт ортида меҳнат қилган фахрийлар барҳаёт!



"Шахидлар хибони" мажмуаси қурилишидан лавҳа

В.Молгачов ва Т.Нигматулин олган сурат

9 май кунини барҳаёт жангчиларимизни қадрлаймиз, уларнинг марҳум сафдошларини хотирлаймиз!

Ҳукумат уларга Ғамхўрлик кўрсатди, халқ уларни эъзозламоқда

ТАКЛИФ ИМТИЁЗЛИ НАФАҚА БЕЛГИЛАНСА...

Журналист ҳам шахтёрга ўхшайди

Маълумки, ўқитувчилар ва шифокорлар кексайиб нафақага чиққанида амалдаги қонунларга кўра имтиёзга эга. Бундан ташқари, уларнинг ҳафталик иш соатини белгилашда, ижтимоий жиҳатдан ҳимояланишда, меҳнат стажига қараб устама ҳақлар олишда ҳам имтиёзлари бор.

Жаҳон статистик маълумотларига қараганда, журналист касби ҳам шахтёр ва ўқувчилар каби оғир ва хавfli касблардан бири саналар экан. 34 йиллик журналистлик фаолиятимизда журналист бўлмоқ нақадар қийин ва хавfli эканлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилдим.

Олий Мажлисимизнинг булажак сессияларидан бирида биз журналистлар учун ҳам меҳнат қилиш ва нафақага чиқишда мураббийлар ва шифокорлар каби имтиёзлардан фойдаланиш масаласига эътибор қаратилса, айтиш мумкин бўларди. Ҳеч бўлмаганда пенсия тўғрисидаги Қонунга қўшимча сифатида журналистларнинг ҳам имтиёзли нафақага чиқишини белгилаб берадиган модда киритилса. Ҳўш, ҳамкасблар, Сиз бунга нима дейсиз?!

Саъдулла ХҲЖАНИЕЗОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Амударё тумани "Амударё ҳақиқати" газетаси бўлим мудир

Шавкат БОЛТА,
журналист

Қозонга яқин юрсанг... мойи юқади!

МИННАТДОРЛИК САЪДУЛЛА БОБО ҚАМОҚДАН ЧИҚДИ

Ҳа. Боғот туманидаги Қизилравот қишлоғида ашшоқи фотожурналист Саъдулла Бобоёв турмадан чиқди. Унинг қамалмиш сабаби ҳақида "Хуррият"нинг шу йил 6-сонида "Танқид учун таъқиб" мақоласи босилиб чиққанига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Бироқ оғина бўлса-да, ҳақиқат қарор топди, бунга матбуотчиларнинг ҳам ҳиссаси қўшилди.

Саъдулла бобо ҳамқишлоқлари билан кучоқлашиб дийдорлашди. Унинг етти нафар ўғил-қизи ва қариндош-уруғлари "Хуррият"чиларга самимий миннатдорчиликларини етказишни сўрашди. Мана, "қарз"дан қутулдим...

Шавкат БОЛТА,
журналист

МУЛОҲАЗА

Ойнаи жаҳоннинг "Ахборот" дастурида Фарғонадан берилган лавҳани кўриб ҳаяжонга тушдим. Бахтсиз тасодиф туфайли бир кўни узлиб кетган 3 яшар қизчага қўлини ўрнатдиш операцияси ўтказилди. Жонсиз қўлда ҳаёт аломатлари пайдо бўлган, қизалоқ муҳбирнинг микрофонида қараб:

"Серкўёш хур ўлкам, элга бахт нажот" дея юракларни титратиб қўшиқ бошлаганида кўпчилиكنинг кўзига ёш келган бўлса, ажабмас! Жажжи қизалоқнинг байроқ кўтаридиган қўли ҳозирча ногирон, муҳими, унинг мурғак юракчасида байроқча бор! Юракдаги байроқ! У — мафкура!

Мени "Шахидлар хибони"даги шанбалikka Қорақаманшдан трамвайда кўлида белкураги билан келган нурулий оқсоқолнинг юракдаги байроғи омонлигига, у мудом хиллабтар туришига ишонаман. Боғи қизалоқ каби.

Оталар юрт озодлиги, хурлиги учун қўлда байроқ билан жангга кирганлар. Лекин ҳозир қўлга байроқ бериб қўйилса, ҳамма ҳам жангга қирадимиз? Шундан улар бор кучини, ғайратини, керак бўлса жонини берадимиз?!

ло ёшлар тарбияси, дунёқароши билан боғлиқ масалаларга эътиборни кучайтиришимиз лозим.

Биз миллий мафкурани яратиб, сўнг ёшларни шу асосда тарбиялашимиз керакми ёки аввало ҳар бир ёшнинг мафкурасини болаликдан шакллантириб, шу йўсин миллий мафкурани ҳаракатга келтирганимиз маъқулни?

Иккинчи йўл, назаримда, бир қадар мушкулроқ ва айнан шу бугундан конкрет ишлар, ҳаракатлар, ҳаттоки маблаглар талаб этади. Назаримда, кўпчилик мафкурани, маънавиятни фақат даъватлар, қаҳриқлар билан барпо этиш мумкин деб ўйлайди чоғи. Ишни мактабга-ча тарбия муассасалари, мактабларнинг моддий-техника базасини янада яхшилаш, у ерда ишловчиларнинг шароитларини яхшилаш қайғуришдан бошлаш лозим. Адабиётлар, дарслиқлар, ўқув қўлланмаларнинг сифати, савияси қатори нархи тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бир неча фарзанди лотин имло-сидига дастурда ўқийтса-да, уйда бирорта лотин имло-сидига қўшимча адабиёт йўқ оиналар бор. Шундайларнинг биттаси "Дарсликка зўрға пул топдим-



Ахбор АҲМЕДОВ,
журналист

стремистик оқимлар, диний мутаассиблар ёшларимиз онгини захарлаш учун турли адабиётларни текинга тарқатишяпти. Мақсад — ўз мафкурасини ёйиш. Бу йўлда пул-маблагини аямаяпти. Биз эса булбулнинг қулгоғидек рисо-лани туя нарҳида сотишдан уялмаяп-миз.

Бу ҳақда юртбошимиз шундай деди-лар:

"Бутун дунёда бораётган курашлар ичида энг катта, энг таъсирчан кураш, аввало, мафкура майдонларида олиб борилаётган ва бу курашда энгш учун жуда катта маблаг, имконият ва кучлар сафарбар қилинмоқда".

Чиндан ҳам нега "ўшалар" ўз гоёси учун миллион-миллион пулларни сар-фламоқда, жонини хавфга қуймоқда? Биз-чи? Биз ҳам шу миллат тақдирини учун, келажаги учун тирижчилигимиз-дан, ёстиқнинг тағидига 4 танга йиғиб

ЮРАКДАГИ БАЙРОҚ

Биз миллий гоё ва миллий мафкурадан озикланганимиз, руҳ, қувват олишимиз, у бир бўлик каби кўнгли чанқоқликларини қондирадиган, у бир чироқ каби умр йўлидаги тоямаслик учун ёритадиган, у мустахкам илдириш каби нафс ва розолат ботқоқидан тортиб оладиган манбага айланмоғи керак. Ана шундангина у ҳаммани бирлаштирадиган, жипслаштирадиган. Мафкура инсон учун қилбадай қадрли бўлсагина у ўз натижасини беради.

Президент таъкидлаганидек, "Миллий гоё давлатимиз, жамяиятимиз, халқимизнинг юксалиши йўлида, буюк кела-жақ барпо этишдек зағу мақсадга эри-шиш ва жаҳон ҳамжамиятида ўзимизга муносиб обрў-эътибор топишимизда ягона байроқ, ягона бирлаштирувчи қуч-қувват бўлиши керак".

Қўлдаги байроқ — давлатнинг рами-зи. Юракдаги байроқ эса — мафкура. Қалбда миллати учун жонфидолик бор кишининг ўз мафкураси бўлади. Ватан-парварлик, илмлилик, ҳақлоқлик ана шу байроқни хиллерида турди.

Мафкура ҳақидаги умумий, баянда-ларовз гаплардан воз кениб, нақд иш-лар қилиш вақти келди ва бу ишлар энг аввало, илм-маърифат, тарбиядан бошланса тўғри бўлади. Газетада ўқиб қолдим: Қашқадарёнинг Усмон Усупов туманида 50 миғ аҳоли бор. Бирорта китоб дўкони йўқ, лекин ҳар қишлоқда камиди 2-3 жойда ароқ сотилаётгани бор гап. Бундай туманлар озими?

Яна бир масала. Нега турли ёт таъ-сирларга тушиб қолаётган ёшларнинг аксарияти қишлоқ туманларидан? Гап шундаки, қишлоқ ёшлари учун ўз вақ-тини самарали ўтказиш имкониятлари, шаҳобчалари йўқ ҳисоби. Шаҳардаги-дек спорт майдонлари, клублари ёки дам олиш, истироҳат масканлари, ком-пьютер хоналари етишмайдиган. Натига-да ёшлар ўз вақтини ўтказмайдиган, анги-роғи, мазмунли ўтказмайдиган жой, ша-роит, имконият йўқ.

Оқибатда, Президентимиз айтган "бўшлик" пайдо бўлади. Бу бўшликни тўлдирish учун пайт пайлаб, фурсат ку-тиб турган ноҳолис, ёт ниятли, гала-мислар иш бошлашади. Бу яна нима-ларда қуринади?

Мисол учун бизда кутубхоналар ҳамон ночор аҳволда. Қайсидир туман-даги кутубхоналар ўтган йили 1 дона-дан янги китоб олибди. Тўғри, мафку-рани фақат китоб билан яратиб бўлмай-ди. Лекин у китобсиз ҳам яралмайди. Биз катта, умумий гаплардан тийилги, энг оддий, энг кичик масалалардан бош-лашимиз керакмасми ишни? Энг авва-

у, бошқа китобларга йўл бўлсин. Дарс-ликнинг ҳам армини илподромдан фа-лон пулга сотиб олдим", деди...

Кўни кеча 3-синфда ўқийдиган ўғлим зорлиб қолди: "Ада, қаранг, дафтарим ёзмамти?" Мен қулдим: "Ўчканг ёзмамтими ё дафтарингми?" У яна ту-риб олди: "Дафтарим". Хайрон бўлиб дарс столининг тепасига келдим: аввал ишонмай қўлларимни четда турган қўзга-га юргизиб кўрсам бинийидек ёзмапти. Кейин дафтарига ёзиб кўрсам, ёзмади. Қизқичкинч бошқа бетларига ҳам рун-ка, тортидим, хира, билинар-билинмас ёзмапти. Эътибор қилиб қарасам, даф-тарнинг қоғози сифатсиз экан, рунка тегди, титилиб кетди. "Арозорроқ экан деб, шунч олувдим", деди хотиним.

Жаҳл билан дафтар харид қилиш учун кўчага чиқдим. Узундан-узун ёйи-ма дафтарчиларнинг молини кўриб оғзим очилиб қолди. Майк Жексон, Мадон-на, Майк Тайсон, Шварцнегер, Ван Дам, "Титаник" ва ҳоказо жилди ятти-роқ, қозғалари ҳам аъло нусха, Нарҳи ҳам шунга яраша, 300 сўмдан у ёққа. Башарти, қўзни чирт қилиб, шу дафтар-ини олиб бораганимизда ҳам бола, му-қоравогаги ўпишиб турган "Титаник" қаҳрамонлари дунёсидан узилди, Хи-ва хонлиги ёки Зардуштийлик ҳақида фик-рини жамлаб дарс қила оларми?

Булар ҳаммаси четдан келтирилган моллар. Узимизнинг дафтарлар эса асо-сан ҳалғинака. Умуман дафтар ишлаб чиқариш бизда, назаримда, кичик, ё ик-ти соҳасида қилбала фирмалар қўлга ўтиб кетган. Сифати, савияси ҳам шун-га яраша. Жилдига Ўзбекистон герби ёки байроғи рамзлари туширилса бўлмайди.

Умуман, бизда герб ёки байроққа илоҳий бир неъматдек қаралади. Улар ҳар хил махсулотларга туширилмайди. Дайлик, Америкада соҳидан тортиб, пайпоқчага шу рамзлар бемалол бе-рилаверади. Шу йўсин халқнинг онгига, руҳига, юрагига бораверади. У онгга сингач, уни кўчириб, чиқариб, қувиб, ҳайдаб бўлмайди. Юракдаги байроққа айланади. Мана, мафкура!

Мафкура асосан босма сўз тарзида одамларга етиб боради. Бугунги ма-тбуотнинг аҳолини кўз олдингизга кел-тирсангиз — биз олға сўраётган гоё, миллий мафкура чанқалри оддий бир хабаб, ёки тахлийий мақола қўриниши-да бўлсин, фақат санокли одамларга етиб бораётгани маълум бўлади. Қўл-на холларда бу "мафкура" қайсидир бил раҳбарнинг иш столида тахи бу-зилмасдан қилиб кетади.

Яна бир мулоҳазали фикр. Турли эк-

қўйган пулимиздан, жонимиздан, мабо-до тақазо этиб қолинса, кеча оламиз-ми?

Менимча, "Мафкура" номли (балки бошқача номлар) газета ёки ҳафта-лик ташкил қилиш ва унинг республи-кадаги ҳар бир оилага текинга етказиб берилишини йўлга қўйиш керак. Қами-да 3 млн. нусхада босиладиган текин-га газета эртага, индинга миллионлаб ва-танпарварларни тарбиялайди. Шу тах-лит биз миллионларнинг юрагига бай-роқ ўрнатишга эришамиз.

Хурматли олимимиз Озод Шарарид-динов яқинда эълон қилган "Миллат-нинг йўли юлдузи" мақоласида жуда тўғри ташкиллаганидек, миллий мафку-рани яратиш иши биздаги ҳар домғи кампаниябозликка айланиб кетмаслиги-га керак. "Ватанга мухабат фақат онг-да, Ватан ҳақида ўзликсиз маҳия айтиш-дан иборат бўлиши керак эмас".

Ийрик бир қорхона раҳбарининг пора билан қўлга тушганини эшитдим. Уша раҳбар билан икки йил муқаддам суҳбатлашганимиз роса мактанган. "Ука, биз Ватан деганда жон берадиган одам-миз. Қўлимизда юрт байроғи бор! Уни маҳкам ушлаганимиз..." Энди билдимки, унинг юрагига байроғи йўқ экан. Қў-лидаги айтмоқчи бўлган "байроқ" унинг учун ҳимоя қуроли, холос. Шу ўринда Президентимиз бир йиғинда: "Қани энди одамларнинг юрагига нима бор-лигини кўрсатадиган усулга бўлса", деб қўйиб Галипгарларни ёдимга келди. Халқимизда қадимдан мавжуд "Тили бо-шқа, дили бошқа" ибораси бехуда аср-лардан асрларга ўтиб келмапти.

Ҳар икки байроқни — қўлдаги ва юракдаги байроқни соғит инсонларга абадий берадиган нараса — мустақил-лик мафкураси! Бизнинг мафкурamız.

Ешлигимизда ўқитган бир ўқитувчи-мизнинг ғалати ғали бор. Ғаламиз, но-пок, сотқин кишилар ҳақида гапирган-да ушбу сифатларни ишлатмас, балки "бу одамнинг мафкураси бузуқ" деб қўя қоларди. Мен "Одамда ҳам мафкура бўладими?" дея хайрон қолардим. На-заримда, шу доғламаиз ҳақ экан. Ҳа, мафкура энг аввало ҳар бир кишида бўлиши, улар жамланиб эса миллат мафкурасини яратиши керак. Шунинг учун биз энг аввало ўз мафкурामизни, ўз юрагимиздаги байроғимизни омон сақлайлик. Агар у байроқни омон сақ-лай оласан, унга доғ туширмасан, ёт ша-моллар ўйинига хиллеришга қўймасан, Президент айтган ягона байроғимиз мангу хиллеришмак!



АНЖУМАН ПРОКУРАТУРА ВА МАТБУОТ

Кеча Гулистонда ҳўп аҳойиб тадбир бўлди: "Қонунчи-ликни мустахкамлаш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, миллий гоё ва мустақиллик мафкурасини яра-тиш ҳамда тарғибот қилишда ҳуқуқий матбуотнинг ўрни" мавзусида республика илмий-амалий анжумани Республи-ка ва Сирдарё вилоят проку-ратураси томонидан ташкил этилди.

Ватанимиз мустақиллиги шарофати билан эркинлашиш йўлини танлаган ўзбек омма-вий ахборот воситалари ола-мида аҳойиб ўзгаришлар юз бермоқдаки, улардан бири ҳуқуқий мавзудаги нашрларнинг кўпайишига ўз аксини топди!

Каранг, айти пайтда 10 дан ортиқ газета нашр қилин-моқда, уларнинг бир қулиқ умумий аади 200000 дан ортмоқда! Қувонарли курсат-ки! Тўғри, фойдаланилма-ётган имкониятлар ҳам йўқ эмас. Мисол учун, Фарғона вилояти прокуратурасининг "Адолат йўли" газетаси 30 миғдан ортиб кетди, амал-лаб қийиб турган газеталар ҳам йўқ эмас. Бу нимани кўрсатади?

Хамонки, ҳуқуқий нашрлар жамяиятимизда ҳуқуқий тар-ғиботни йўлга қўйишда катта аҳамиятга эга бўлаётган экан, ҳамон унинг ўз ўқувчилари кўпайиб бораётган экан, де-мак, ҳуқуқий нашр КЕРАК! Фақат уларга эътибор керак, бугунги кун жамяиятимизда кечаётган оламшумул исло-хотларни янада жадаллашти-риш, хусусан, миллий гоё ва миллий мафкура тарғиботи-га бўлган эътиб айни кўнайган бир паллада оммабоп на-шрлар нечоғли кўпайса шун-чалар фойда!

Бир гапни очик айтиш ўрни келди: Биз прокурату-радан бор идора ходимлари-дан норозилик билдиришга одалгани қолганмиш, вахо-ланки, хой, прокурор, бирод-дар, ахволларнинг яхшиими, бола-чақанг омоним, сениям муаммоларнинг ташвишлар-нинг борми, деб сўрашни не-гадир унутамиз. Ахир, тасав-вур қилинг, бир туманда 100-150 миғ аҳоли бўлса, қонун ижроси назоратини йўлга қўйиш учун озмулча меҳнат қилиш керакми? Туман про-куратурасида эса бор-йўғи... 3 ҳуқуқшунос ишлайди...

Хуллас, Гулистондаги ан-жуман жуда кўтаринки қай-фиятда ўтди. Республика Бош прокурорининг уринбо-сари Б.Тойжонов, вилоят про-курори Э.Бердимуродов, профессор Х.Абдукаримов ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази директори уринбо-сари М.Ғуломов, Республика прокуратураси малака оши-риш маркази директори Ф.Раҳимов, "Хуқук" газетаси бош муҳаррири А.Абдуразо-қов, журналисти Х.Дўстмуҳ-медов ва бошқаларнинг чи-қишлари анжуман қатнаши-ларида яхши таассурот қол-дирди.

Сирдарё вилояти прокура-турасининг "Адолат қўли" газетаси ника бошлаганига 5 йил тулиши анжуманга бай-рамона тус берди. Таҳрири-ят жамоасига, ходимларига соғва-саломлар ёғилди. Про-куратура матбуотга эътибор-ни кўнайитиришда — бу қонун ижроси назоратини матбуот орқали йўлга қўйишга бўлган эътибордир!...

МУҲБИРИМИЗ

ОМОН ҚОЛГАН БОЛАКЎЙ

Чамаси ўн беш йиллар ав-вал бўлса керак, Пойтахтимиз-нинг "Қозоғистон" кинотеатри атрофидаги тўққиз қаватли уйлардан бири фойдаланишга топширилганда, янги кўчиб кел-ган билалардан бири, эски бо-лақой, кўрпачаларини бе-шинчи қаватдан тушиб, пастга ташлаб юборган экан.

Буни қарнги, худди шу топ-да тўққизинчи қаватга кўчиб келган янги қўшиллардан би-рининг беш яшар ўғли шўхлик қилиб, тўққизинчи қаватдаги балқондан тасодифан тушиб кетди. Боласининг пастга ту-шиб кетганини кўрган она ўша заҳоти хушидан кетибди. Са-росимага тушган қўшиллар не-кўз билан кўришсинки, ўша бо-лақой бешинчи қаватдаги ташлаб юборган эски-туски кўрпачалар устига тушиб, ҳеч нима кўрмагандек чопқиллаб кетибди.


Хушига келган она, қарши-сида турган ўғлини кўриб яна хушидан кетишига бир баҳа қилибди... Саидмурод САИДАХҲАМ

ТАЪНА СИЗДАН ЎРНАК ОЛАЙЛИКМИ?!

Баъзан кекса кишилар гурунгига қулоқ солсангиз, уларнинг: "Илгари ариқ сувла-ри топ-тиник ва тоза бўларди. Унда бема-лол нонини оқизоқ қилиб ердик. Ариқда ювиниш мумкин эмас эди. Ҳозир эса..." — дея афсус билан бош чайқашётганига гувоҳ бўласиз. Бу сўзлар ўша даврда инсонлар-нинг табиатга рисолатидек муносаба-тига, атроф-муҳитнинг қанчалар тоза бўлганига кичик бир далилдир. Бугун эса табиат ҳам, унга инсонларнинг муносаба-ти ҳам ўзгарган.

Тошкент шаҳрида энг катта анҳорлар-дан бири бўлган Бўзсув бўйида яқинда-гина "Карвон бозори" қурилди. Аслида, меъёр бўйича, сув бўйидан 50 метр нарида муҳофаза майдони бўлиши шарт. У ерда эса... Бозор орасига қурилган ошхонани қўяверинг, хатто ҳожатхона ҳам анҳорнинг этагига тушиб қолган. Анҳор-ни-ку тоза деб бўлмайди, лекин фақат даромадини қўзлаб оддийгина одамгарчи-ликни йўқотиб қўймаймизми? "Отчопар" бозориди ҳам айнан шунга яқин манзарани қўзатамиз. У ерда Бўзсув-га нисбатан анча кичик бўлган ҳовуз мавжуд. Қўзингиз тушса, қўнглингиз бе-

Анора СОДИҚОВА,
ЎЗМУ қошидаги гимназия ўқувчиси



ТАНЛОВ

Хозирда Ўзбекистонда араб давлатларидан Миср, Саудия, Иордания ва Жазоирнинг элчихоналари, айни чоғда Ўзбекистоннинг Кохира ва Ар-Риёд шаҳарларида элчихона, Жидда ва Дубайда эса консулхоналари фаол ишлаб турибди.

ЎЗБЕКИСТОН ВА МИСР МУНОСАБАТЛАРИ

Миср Араб Республикаси (МАР) Ўзбекистон мустақиллигини 1991 йил 24 декабрда расман эътироф этган. 1992 йил январда МАР Вазирлар Маҳкамасининг ўша пайтадаги раиси ўринбосари Камол ал-Ганзурий бошчилигидаги расмий делегацияси Тошкентга келган, шу таъриф чоғида икки давлат ўртасида дипломатик муносабатлар ўрнатилиш тўғрисида қўшма баёнот имзоланган эди. 1993 йил май ойига келиб Миср Тошкентда ўз элчихонасини очди. Ўзбекистоннинг Кохирадаги элчихонасининг расмий очилиши 1995 йил октябри, Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлиги Абдулазиз Комилловнинг Кохирага ташрифи чоғида турди келди.

1992 йилнинг декабрида Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов Миср Араб Республикаси расмий ташрифи буюрди. Бу тарихий ташриф давомида Ўзбекистон ва Миср ўртасида ўзаро ҳамкорлик асослари, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш, иқтисодий, техникавий ва илмий ҳамкорликни ривожлантириш, ҳаво йўли, транспортда юк ташуви ҳақидаги битимлар имзоланди. Чет эл валютаси етишмаслиги муаммосини бартараф этиш учун икки мамлакат савдо-сотибга ўзаро компенсацияни қўллаш шартномаси имзоланди. Бу ҳужжатлар ўзбек-миср алоқаларининг келгусидаги ривожини учун муҳим асос ҳисобланади. 1993 йилнинг сентяб-рида Ислон ва вафқ ишлари бўйича ҳамкорлик протоколи ҳам имзоланди. 1995 йил октябрида туризм ва 1996 йил июлида қишлоқ хўжалиги бўйича ҳамкорлик битимлари ҳам имзоланди.

Бу орада Ўзбекистон-Миср ўртасида иқтисодий ва техникавий ҳамкорлик қўшма комиссияси тузилди, унинг биринчи йиғилишини 1996 йил июнида, Тошкентда икки давлат иқтисод вазирлари бошчилигида, иккинчи йиғилишини эса 1997 йил июлида Кохира шаҳрида ўтказди. Қўшма комиссиянинг учинчи йиғилиши тез орада Тошкентда ўтди.

1996 йил июнь ойида Тошкентда Миср махсулотлари кўргазмаси ўтказилиб, унда Мисрнинг 62 компанияси ўз махсулотларини намойиш этди. Бундай кўргазмаларни ташкирлаш, ўз навбатида ўзбек махсулотлари кўргазмасини Кохирада ҳам уюштириш икки мамлакат вакиллари бир-бирларининг имкониятларидан ақиндан танишиш имконини яратган бўлар эди.

1992 йил Миср Ташқи ишлар вазирлиги қошида ташкил этилган МДХ


мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик жамғармаси ҳам Ўзбекистонга катта қизиқиш билан қарамоқда. Утган давр ичида жамғарма Ўзбекистонга 170 дан ортиқ грант ва стипендия ажратди. 1994 йил ноябрда Миср таълим вазири Тошкентга ташриф буюрган кезида Ўзбекистон пойтахтида Миср фан ва таълим марказини расман очган эди. Бундан ташқари Тошкентда Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси ҳам фаолият кўрсатиб келмоқда. Шўъба мисрлик кино ижодкорларининг қатор диний, ижтимоий, бадий ва ҳужжатли фильмларини Тошкент телевиденисига тақдим этиб, республика аҳолисини уларни ўз она тилида томоша қилишларига ўз улушини қўшиб келмоқда. Шўъба воситасида Миср телевиденисининг сунъий йўлдошлар орқали узатиладиган Миср телеканаллари курсатувларини қабул қиладиган махсус техник асбоб-ускуна мажмуаси Ўзбекистон телевиденисига ҳаётиятда ва ундан унумли фойдаланиш йўлга қўйилди.

1997 йил март ойида Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги вазири Мисрға та-

Бугун Жаҳон матбуоти эркинлиги куни! Шу муносабат билан ЭРКИН матбуотимизнинг барча жонкуярларини самимий муборакбод этамиз!

СЎРОВ
“ҚАЙСИ ГАЗЕТАНИ ҲАҚҚИМИЗ?”
Жамоатчилик фикрини ўрганишни “Ихтимоий фикр” маркази Ўзбекистонда ОАВнинг рейтинг юзасидан таҳлил ва ижтимоий сўров ўтказган. Бу таҳлил таҳлилга жиддий ёндашувчи ва уни ҳолис олиб боришни идора сифатида анча нуфузга эга.
Статистик маълумотларга ва сўров натижаларига қўра Ўзбекистонда 600 нафардан ортиқ нашрлар расман рўйхатга олинган (таққослаш учун – Францияда 88 та). Нашрлар сонининг кўпайиб бориши уларнинг сифати ва ададининг камайишига таъсир қилиши таъкидлаб ўтилди. Мамлакатдаги барча нашрларнинг умумий тиражи бир миллион нусхага ҳам етмайди.
Рейтинг эса қуйидагича: сўралганлардан 17% муштарий “Мабрият” газетасини маълум қўришар экан, яъни қишлоқ жойларида 11%, шаҳарда 2-3%. Иккинчи қаторда “Труда” газетаси 10% овоз билан, “Халқ сўзи” (“Народное слово”) ҳам шу кўрсаткичга эга. Республикадаги тўнчи нашрлардан бири “Саодат” журналининг ўқувчилари сони 8,6% ни ташкил қилар экан, улардан 3,5% шаҳар аҳолиси. “Ўзбекистон овози”ни мамлакатдаги иккинчи нашр бўлган ҳолда 6,6% одам ўқийди маълум бўлди. Уларнинг 3%и шаҳар ва 3,6 фоизи қишлоқ жойларининг аҳолиси. Виллоятлар аҳолисининг почта ва транспорт

АХСАБО!
АҚШнинг айрим штатларида ўтган асрлардан қолиб кетган эскирган қонунлар ҳамон мавжуд экан. Масалан, Техас штатида бегона сирғини соғиш ман қилинади. Массачусетсда чўчки соқоли киши соқил бўлади. Нью Жерсида шўрванинг шовқини қонунан мумкин эмас. Вайомингда эса жомат жойида ичадиган аёл барнинг устунидан бир ярим метр узокликда бўлиши шарт. Альбукеркеда йўловчини такси шофёри машинада мажбуран олиб юриш ҳуқуқига эга эмас!



Тарихий лаҳза

8 МИНГ ЙИЛЛИК МАДАНИЯТ БЕШИГИ

риф буюриб, ўзбекистонлик мутахассисларни Мисрда қишлоқ хўжалигида замонавий иш юритиш услубларига ўқитиш ҳамда юқори навли Миср дон уруғларини Ўзбекистонга келтириш ҳақида келишувга эришди.
Халқаро даражада Ўзбекистон мисрлик йирик навоиларни турли халқаро ташкилотлардаги маъсул лавозимларга тайинланганларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Жумладан, Фатхий Суруриунг Халқаро парламентлар уюшмаси раҳбарлигига, Фуад Рияднинг Югославияда содир этилган жиноятлар бўйича халқаро суд аъзолигига, Муфид Шихабнинг ЮНЕСКО ижроия комитети аъзолигига сайланишини Ўзбекистон тўла ёқлаган.

Бу орада Мисрнинг Ўзбекистондаги Факултетида ва Мухтор элчиси, доктор Мамдуд Шавкий Ўзбекистон ва Миср ўртасидаги дўстона алоқаларни янада мустаҳкамлаш, икки давлат ўртасида савдо-сотик, иқтисодий ва маданий ҳамкорликни янада кенгайтиришга қўшган улкан ҳиссаси учун Ўзбекистон Президентини Ислон Каримов фармонида кура “Дўстлик” ордени билан тақдирланди.

Энди ушбу мусобақа ҳомиёлирига келсак, улар:

1. МДХ мамлакатлари билан техникавий ҳамкорлик Миср жамғармаси

мғармага ҳозирда элчи даражасидаги Ашраф Заъзаъ раҳбарлик қилмоқда. У ўтган йилнинг октябрда Ўзбекистонга ташрифи чоғида Тошкент Ислон университетига талаба ва устозлари билан учрашган, университетга жамғарма номидан турли соҳаларга оид бир қанча китоб ва рисоалар тақдим этган эди. Бундан олдин жамғарма Тошкент давлат шарқшунослик институтини, Жаҳон тиллари университетини, Самарқанд, Наманган университетларига замонавий компьютерлар мажмуаси ҳамда сунъий йўлдошлар орқали узатиладиган телекўрсатувларни қабул қиладиган телевизион қурilmалар сингари ўқитишнинг замонавий техник воситалари ҳаётиятда эди. Яқинда улар қаторига Бухоро университетини ҳам қўшилди.
Бу жамғарма шу кунгача 200 га яқин ўзбекистонлик мутахассиснинг Полиция академияси, Миср банк институтини, Миср Ташқи ишлар вазирлиги қарорли дипломатик тадқиқотлар институтини, Миср Вазирлар Маҳкамасининг Маълумотлар ва муҳим қарорлар маркази, Стратегик тадқиқотлар маркази, Миср Радио ва телевидение уюшмаси, Халқаро малака ошириш маркази сингари ташкилот ва муассасаларда малака ошириш, таъриба алмашиш келишини ташкил этди. Жамғарма, шунингдек, Миср суҳба хўжалиги вазирлигидан 4 мутахассисни “Оролни қўқариш” дастури доирасида Кохира университетини ҳузуридаги Осиё тадқиқотлари марказининг бир қатор олимларини эса Ўзбекистон

Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академиясига маърузалар ўқиш учун жўнатди.
Мана шу жамғарма биз ўтказаятган мусобақа голибларига ҳар йили Тошкент-Кохира-Тошкент самолёт чипталарини ажратиб келмоқда.

2. Маълумотлар Давлат хизмати
Миср информация вазирлиги қарашли бу хизмат Мисрнинг чет эллардаги элчихоналари қошида фаолият кўрсатаётган Матбуот шўъбаларига раҳбарлик қилади. Мана бу неча йилдан бери бу хизмат Мисрнинг Тошкентдаги Матбуот шўъбаси ўтказаятган мусобақа голибларига турли қимматбаҳо совғалар ажратиб келади.

3. Сайёҳликни ривожлантириш Давлат хизмати
Миср сайёҳлик вазирлигига тегишли бу хизматнинг асосий фаолияти мамлакатда сайёҳликни янада тараққий эттиришга қаратилган. Бу хизмат мусобақамиз голибларига Мисрнинг энг нуфузли меҳмонхоналарида туриш, мамлакатнинг диққатга сазовор сайёҳлик масканлари билан танишиш, юрт бўйлаб сафрлар ҳаражатларини ўз зиммасига олиб келади.

Азиз ўқувчилар!

Мусобақамизнинг ўтган 4 турини мунтазам кузатиб борганингиз учун Сизларга ўз номиндан, Мисрнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда унинг Матбуот шўъбаси номидан миннатдорчилик билдираётганимдан бахтиёрман. Мана бугун Сизнинг эътиборингизга мусобақанинг сўнгги, 5-турини ҳавола этаёلمиз. Шундай экан, барчангизни бу муносабат билан қутлайман. Айни чоғда қўлчиқнинг талабларига биноан, бугун 5-тур саволларининг ўзини эмас, балки жъям, 5 тур саволларини эълон қилмоқдамиз. Сизлардан барча, 10 савол жавоблари белгиланган хатингизни **Тошкент, 700000 Матбуотчилар кўчаси, 32, 6-қават, 601-604-хоналар, Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси (мусобақага)** деб жўнатишингизни сўраб қоламиз.

Жавоблар фақат шу йил 7 июнгача қабул қилинади. Голиблар номи шу йил июль ойи бошларида маъруза газета саҳифаларида эълон қилинади.

САВОЛ-ЖАВОБЛАР ВАРАҚАСИ

Сизларга омад ёр бўлишини тилаган ҳолда, мусобақа соврин-муқофотларини эълотиб ўтам.

- 6 та биринчи голиб Мисрға бепул сафар йўлнамаси билан тақдирланади. У мамлакатда туриш, юрт бўйлаб барча сайр-саёҳат ҳаражатларини ўз ичига олади.

- Яна 15 голибни телевизор, видео, магнитофон сингари электр ва техника моллари кутади.

- Яна бир қанча қатнашчиларга эс-далик совғалари тақдим этилади. Шундай қилиб, июль ойининг бошларида, голиблар номларини эълон қилиш чоғида учрашгунча ҳайр...



РАЪФАТ АС-САЪБА Миср элчихонасининг Матбуот шўъбаси раиси

- мусобақа қатнашчисининг исми-шарифи, ёши, касб-кори, манзили, телефони
- 1. Миср Араб Республикаси қаерда жойлашган?**
А) Араб оламнинг узоқ шарқида Б) Араб оламнинг узоқ ғарбида
В) Араб оламнинг шарқи ва ғарби оралиғида
- 2. Мисрнинг шимоли ва шарқидagi чегараси қаердан ўтади?**
А) Араб денгизи ва Форс қўлтиғидан Б) Қизил денгиз ва Урта ер денгизидан
В) Қора денгиз ва Каспий денгизидан
- 3. Ўзбек телетомошабинини тўлқинлантирган Миср бадий фильмларидан бири:**
А) “Мухаммадун-Расулulloҳ” Б) “Ҳаймадаги бегона” В) “Оқибат”
- 4. Миср фазовий телеканаллари кўрсатувлари бугун дунёга қай тарихи тарқатилди?**
А) “Найл сат – 101” сунъий йўлдоши ёрдамида
Б) Олти сунъий йўлдош, шу жумладан “Найл сат – 101” орқали
В) “Араб сат” сунъий йўлдоши ёрдамида
- 5. Миср қандай маданиятлар юрти сифатида шўҳрат қозонган?**
А) Фиръавн, рим-юнон, масиҳий ва Ислон маданиятлари
Б) Масиҳий ва Ислон маданиятлари В) Ислон маданияти
- 6. Маъшур зинасимон Сақра ахром қаерда жойлашган?**
А) Гизада Б) Ал-Фардақада В) Луксорда
- 7. Улкан лойиҳалардан бири, ўзига хос “Тинчлик канали” қаердан ўтади?**
А) Нил дарёси остидан Б) Урта ер денгизи остидан
В) Сувайш канали остидан
- 8. Хозирда Мисрда амалга оширилаётган муҳим лойиҳалардан бири:**
А) Сувайш канали Б) Тўшка лойиҳаси В) Улкан Асвон тўғони
- 9. Мусобақамиз голибларини тақдирловчи ташкилотлардан бири:**
а) Мисрда сайёҳликни ривожлантириш Давлат хизмати
б) Савдо-сотик ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича Миср-Ўзбекистон қўшма комиссияси
в) Миср Араб Республикаси телевидениеси
- 10. Хозирча Ўзбекистон элчихонаси очилган араб шаҳарлари:**
а) Кохира, Ар-Риёд б) Кохира, Ар-Риёд, Дубай, Жидда
в) Искандария, Луксор, Ал-Фардақа

ХОТИРА

Етти пушти католик Етти пушти католик тарбияланган швейцариялик Бернуллилар авлоди дунёвий илмлар билан ҳам жиддий шугулланишган. Жумладан, Якоб Бернулли (1654–1705) табиат ва жамиятда кечадиган фундаментал қонунлардан бирини ифода этувчи эҳтимоллар назарияси ва сонлар қонунини кашф этди.
Уш даврининг фозил кишиларидан бўлиши Сирожиддин қишлоқнинг йилуни тўтиб Бухоро мадрасасида тахсил олди. Хам диний, хам дунёвий илмларга меҳр қўйди. 1930 йили оиласи билан Кўкандан Тошкентга кўчиб келишганда, тўнчи ўғли Бурхониддин Пржевальск педагогика институтини тўтиб ўзбек мактабида математикадан дарс беради. 1935 йили Урта Осиё давлат университетининг ишчилар факультетига ўқишга отланган уқиси Савдулланнинг математика бораидаги қобилиятидан ақай айтарли қониқмас эди. Савдулла журғофия ва бадий адабиятга ҳавасманд эди. Қўлимдаги математика ўқитувчиси элчиди. Янги муаллим биринчи дарсида ўқувчилардан ёзма яши олди. Ёзма иш натижаларини эълон қилди туриб, дуруст ўқувчиларга “3”, Савдуллага эса “4” баҳо қўйди. Қўлимдан ҳодиса бутун синфни лол қилдириди. Савдулланнинг ўзи учун хам бу факултетида ҳодиса эди.
Шу-шу Савдулла янги муаллим — Маждид Қодирнинг дарсларини ортиқчи қутадиغان бўлди.
Университетнинг физика-математика факультетида ўқишга кирган Савди Сирожиддинов Кори Ниёзий, Тошмуҳаммад Саримсоков сингари устозлар назарига тушди. Учинчи курсда ўқиётганда эса Севеолод Романовский уни ўзига шогирд қилиб олди.
Саримсоков билан Романовский маслаҳатлашиб университетни битирган Сирожиддиновни Москвага боришга — кимсан Яков Бернулли асос солган эҳтимоллар назариясини замонавий фан даражасига кўтарган Колмогоровга шогирдликка тав-

ХИЁНАТ ҚУРЪОНИ

сия этишди. Бу устоз-шогирдлик муносабати катта самара берди, яъни Саъди Сирожиддинов Стеклов номидаги Математика институтини Марков занжирлари ҳамда эҳтимоллар назарияси соҳасидаги ютуқларни математика статистикасига татиқ этиш бораида изланишлар олиб бориб, фан доктори даражасига эришди. Илмий устознинг маслаҳатига қўра Москва давлат университетинида лекция ўқиш бошлаган Сирожиддинов 32 ёшда эди!
Москва — Тошкент поезиди уч-тўрт кунлаб йўл босадиган пайтлар. Таътил кунларини уйига отланган Саъди Хасанович кунга кирди-да, бир томонни тўтириб ўтирган қирқлардан ошган басавлат кишини қўриб салом берди. У киши тил учида алик олган бўлди, қорамғиздан келган ичкямчанига ўзбек йиғитини қўриб, жонланди.
— Йа, ўзбекмисан, жиян?
— Ўзбекман, — деди Саъди Хасанович жилмайиб.
— Бу ёқларда нима қилиб адашиб юрисан? — сўради у яна бепанасидек билан.
— Узим, йўлим тушиб... — деди-қўйди Саъди Хасанович.
— Хай, майли, ҳамроҳ бўлиб кетамиз. — Басавлат киши ёш ҳамроҳининг исми-шарифини сўрашини хам унга эф билмади. Лекин ўзини таништиришни унутмади. Биз Маскво университетининг аспирантиэмиз, жиян!
ТОШКЕНТГА
Гунаҳ Саъди Хасанович аспиртант ҳамроҳининг “мартбаҳасига” яраша ҳурматино жойига қўйди: чой деса чой келтирди, овқат деса вагон-ресторанга катнади.
Нима бўлиди, вагон кузатувчиси — провондик қўлеба боз сўқиб, “Сиз, Сирожиддинов” деб гап бошлаб қолди. Бунни эшитган аспирант бирдан хушёр тортиди, қўлига ишонмади, сўнг ўринидан даст туриб дам кузатув-

— Улуғ устозларга дуи келишининг ўзи катта бахт,— деган эдилар Саъди Хасанович суҳбатларинингиздан берида. Уйлаб қурилса Сирожиддиновек олинингиз назарига тушган қобилиятли ёшлар хам айни шундай бахтга муяссар бўлган эканлар. Академиянинг муҳбир аъзоси, фан докторлари, номзодлари — жами олтишдан ортиқ олим Сирожиддинов асос солган мактабдан етишиб чиқдилар.
Саъди Хасанович вазият талабига қўра инглиз, немис ё француз тилида бемалол суҳбатлашарар эди. Форс ва грузин тилларида гурун қураварарди. “Дайди” ва “Жаноб 420” фильмларини илк бора томоша қилганидан Ҳиндистондек қўна диёрининг сеҳру жозибасига ошурта бўлган, бу мамлакат тарихи, маданияти, санъати бобида уна-бунча мутахассис у киши билан мунозарарга кириша олмас эди. Ҳиндистон сафрларидан бирида Индира Ганди хоним ўзбек олимларини қабул қилган, улар таржимонларини “доғда” қолдириб нафис француз тилида суҳбат қурган эдилар.
Мухаббат Мирзаева, хуқуқшуннос:
— Ун йилдан кўпроқ мурда домлага қотиб қолди қилдим. У кишининг бирон марта қабулга келувчиларини ранжитадиган оҳангда гапирганларини эслолмайман. Олий Совет раиси сифатида шикоятларининг бирортасини эътиборсиз қолдирмас, академия соҳасидаги ҳар қандай қора ишларни хам бирдек масъулият ва қуончаклик билан адо этаварар эдилар. Инди Саъди Хасановичдек улкан олимга академияда қурилиш ишлари, спорт ишлари топириб қўйилган эди. Бир кун эшикдан кириб келиб, “Мана, қуриб қурувчиларни хам ўзганиб олимпиа” дегандилар, хонин жилмайиб. Энди ўйласам, қурилишма-қурилиш юриш, бинокорлик матери-

алларини эслаб идорамандор кун ва ҳафталарни со-ворушини шундай катта математик олимнинг зиммасига юклаш шартини? Бундай бахт одам тоғилмасиди. Бебаҳо илмий кашфиётлар яратиб учун ато этилган умрга, бу инсоннинг олтинга тенг ганимат умрига қилинган хиёнат эканини энди-энди чўқур англайман. Саъди Хасанович учун ҳар қандай лавозимдан қўра илмфан йўлида чекилган захмат тўлироқ эди...
Саъди Хасанович хоккеининг, футболнинг ашаддий мухлиси эди. Баланд тў чўққиларига қиқшини қанда қилмас эди. Карпов ва Аъзамов сингари шахматчилар билан дўстлик алоқалари бор эди. Хорж жамоаларига қўлаб тақлифларга қарамай “Пахтакор”ни сира тарқатмаган Қрасниқийини беҳад хурматлар эди. Устоз олим Ўзбекистон шахмат федерациясининг фахрий президенти, ардоқли шоиримиз Эркин ака Воҳидов эса вице-президенти эдилар. Президент ва вице-президент ўртасидаги ягона шахмат “ўқнашувчи” узоқ давом этган қизгин олишувлардан сўнг дуранг натижа билан ту-гаган эди.
1983 йил ёзида мамлакатимизда ўзгартишлар бораи бошланди. ТошДУ ректорлигига тайинланган Саъди Хасанович бу масъулиятни вазифани уудалай олмаслигини, соғлиғи кўтармаслигини айтганида, “Узимиз ёрдам берамиз” дейишган эди. Бурон бошланди, ёрдам берамиз деганлардан номини қолмади. Тошкент шаҳар партия қўмитаси бюроси мажлисида университет ректори қадрларини танлашда йўл қўйган камчиликларни учун, уруг-аймақликда, ўқув-тарбия жараёналарини ташкил этишда қўпол хато-ларга йўл қўйгани учун каттик партиёвий жазмага эр-тилди. Саъди Хасанович хай-

фсан учун эмас, амалга ошириб бўлмайдиган ишларини унинг зиммасига юклаб, ўта қиска муддатларда баҳарши талаб қилинаётганидан изтироб чекарди. Чўчки бундай вазифаларни уудлаш мумкин эмаслигини тоғириқ бераётганларнинг ўзлари хам жуда яхши билишар эди...
ШИФКОРЛАР сарик касаллиғи гумон қилиб Саъди Хасановични ўн кун юкумли касалликлар шифохонасида “даволашди”. Жигар циррози бошланганини эса кечикчи анқилашди. Ваҳоланки, Сирожиддиновдек шахсларни авайлашни тўрт йил илгари — жигарни хун қилиб юборадиган хизматга рўпара қилишдан илгарироқ ўйлаш керак эди.
Дарига даво йўлиги хаммага аёнлашди.
49 ёшли Ҳабиб Абдуллаев жигари хун бўлиб ҳаётдан эрта қў юмди... Обид Содиқовнинг, Фани Мавлоновнинг тақдир шундай ту-гади... Мана, энди Сирожиддинов шу хасталик тушадиган етибди. Тасодифми бу ёки худай? Тасодиф замирида бирор мантйкий яқинлик борми?..
1988 йилнинг 25 апрели.
— Узимни яқши ҳис қилияман, икки кунга уйга рухсат беринлар, — сўради домла шифокорлардан. Рухсат беришмади.
26 апрель. Бемор яна уйига рухсат сўради, ўзини бардам ва тетик тутишга ҳаракат қилди. Яна рухсат теғмади. Кечга томон ақаси Бурхон Хасанович унинг тепасига келди, билганини, қартини узоқ сийлади, бемор қўзини пирилатди.
— Савдулла, тузукмисан, укам?..
Саъди Хасанович қўзини аранг оқди.
— “Пахтакор” қандай ўйнади, ака? — бемажол сўради у, нога?..
— У, узоқ ютди. Абдураимовнинг ўғли иккита гол

— Дуруст, дуруст... Ма-шаққатдан қочмас яқши футболчи бўлади...
Бу унинг сўнги самимий, астойдил севишчи, беғубор таъассуми эди. Қўп ўтмай уни сўнги марта реанимация хонасига олиб кириб кетишди...
Хуриш НАБИ

ХУРРИЯТ
МУСТАҚИМ ГАЗЕТА
3 - 10 май
18 (171) - сон

Муассис: Ўзбекистон Оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармаси

Баш муҳаррир Хуриш ДУСТУХАММАД

Тақрир хайъати: Азамат ЗИЁ, Абдуқоҳор ИБРОҲИМОВ, Амркул КАРИМОВ, Абдуқоом ЙЎЛДОШЕВ, Нам КАРИМОВ, Озод ШАРАФИДДИНОВ, Раҳмон ҚУЧҚОР

1988 йилнинг 25 апрели.

— Узимни яқши ҳис қилияман, икки кунга уйга рухсат беринлар, — сўради домла шифокорлардан. Рухсат беришмади.

26 апрель. Бемор яна уйига рухсат сўради, ўзини бардам ва тетик тутишга ҳаракат қилди. Яна рухсат теғмади. Кечга томон ақаси Бурхон Хасанович унинг тепасига келди, билганини, қартини узоқ сийлади, бемор қўзини пирилатди.

— Савдулла, тузукмисан, укам?..
Саъди Хасанович қўзини аранг оқди.

— “Пахтакор” қандай ўйнади, ака? — бемажол сўради у, нога?..
— У, узоқ ютди. Абдураимовнинг ўғли иккита гол

Гузетта Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 165-рақам билан рўйхатга олинган. Бичими А-2.

Тахрират манзили: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Телефонлар: 133-69-45, 136-53-63

Индекс:
Яқко абуначилар учун — 233 Тошкентлар учун — 234
«Шарқ» нашриёт: матбаа концерни босмахонаси, Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир: Зокиржон АЛИБЕКОВ
Тошпириш вақти: — 21.00
Тошпириш: — 18.00
Буюртма: — Г - 225

Муаллиф фикри тахрират нукта назаридан фарқланмиши мумкин. Тахрират юборилган мактуб ва мақола-ларга ёзма жавоб қайтарилмайди.

Hunyat komputer markazida teridi va sahifalandi. Sahifalovchi: Sh.SAYDALIYEV

